



Савол:

Ассалому-алайкум азиз биродарлар Аллоҳ йўлида қилаётган ишларингизга Аллоҳ ўзи ҳамроҳ бўлсин менинг сизларга ёзадиган саволим қуйдагича: "аёл киши бўйида бўлиб қолгандан кейин неча кунда аборт қилдирса бўлади, ва бу дурустми ёки дуруст эмасми? ва буни ҳужжатини айтиб беринглар ва яна қайси ҳолатда бўладию қайси ҳолатда бўлмайди"? деб савол берувчи биродарингиз Абдулазиз.

Жавоб:

Ва алайкум ассалам ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ.

Ҳурматли биродаримиз Абдулазиз берган саволингиз анча хатарли. Бунга дабдурустдан жавоб берилмайди, бу каби саволларга бирорта дин олимнинг олдига бориб, ҳолатларни батафсил тушунтириб ва бирорта мусулмон, ишончли мутахассис доктор хомиланинг қолиши она ҳаётига зарари борлигига гувоҳлик бергандан кейин буни аборт қилса бўлади ёки бўлмайди деб ҳукм қилинади. Шунинг учун бу саволингизга умумий суратда жавоб бера олмаймиз.

Масала бир инсон ҳақида кетяпти, исломда инсон жуда қадрлидир. Бизнинг ҳаётимизда аборт қилишнинг оддий ҳол бўлиб қолгани алдаб қўймаслиги керак. Аборт қилиш биронта оғриётган тишни олиб ташлаш дегани эмас. Исломда агар бир киши докторга борса ва мана шу тишим оғрияпти десаю доктор адашиб бошқа бир соғ тишни олиб қўйса унинг бўйнига шу соғлом тишнинг диясини бериш юклатилади. Унинг ҳозирги кундаги миқдори 1500 долларга тўғри келади. Дия хун-қон пули демакдир.